2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 233 (233), 2020 йил 3 декабрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Дмитрий Козак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Олий даражадаги самарали мулоқот туфайли Ўзбекистон — Россия кўп қиррали ҳамкорлиги кейинги йилларда жадал суръат билан ривожланаётгани, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини давлатимиз раҳбари катта мамнуният билан қайд этди.

Дмитрий Козак Ўзбекистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Бўлажак икки томонлама ва кўп томонлама форматдаги учрашувларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу тадбирлар кун тартибини аниқ амалий мазмун билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро сиёсатнинг айрим жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Икки томонлама муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида Президент Ашраф Ғани Афғонистоннинг кўп миллатли халқи номидан Ўзбекистон раҳбарига афғонлараро тинчлик жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ҳамда ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, шу жумладан, коронавирусга қарши курашиш даврида амалий ёрдам кўрсатаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Президентлар икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик суръати ортиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этдилар.

Пандемия оқибатларига қарамай, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли кўпайди, бизнес алоқалари фаоллашди. Икки мамлакат тадбиркорлари учун ноёб имкониятларга эга “Термиз” халқаро савдо маркази ташкил этилди.

Савдо ҳажмини икки баробар кўпайтириш учун ҳуқуқий базани такомиллаштириш, савдо уйлари тармоғини кенгайтириш ва янги кооперация лойиҳалари тўпламини шакллантириш масалалари ўрганилмоқда.

Гуманитар соҳада қатор муҳим қўшма тадбирлар муваффақиятли ўтказилди. Хусусан, жорий йил октябрь ойида Афғонистонда илк бор Ўзбек тили байрами давлат даражасида нишонланди. Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги Таълим маркази негизида афғонистонлик мутахассисларни тайёрлаш давом этмоқда, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида салмоқли дастурлар амалга оширилмоқда.

Президентлар ўтган ҳафта бўлиб ўтган Афғонистон бўйича Женева халқаро конференциясининг асосий натижаларини юксак баҳоладилар.

Минтақада ўзаро боғлиқликни янада мустаҳкамлаш, Афғонистонни халқаро савдо-иқтисодий алоқаларга интеграция қилишга қаратилган устувор лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Трансафғон темир йўл йўлагини барпо этиш лойиҳасини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида етакчи мамлакатлар ва халқаро молиявий институтларга қўшма мурожаат йўллашга келишиб олинди. “Сурхон — Пули Ҳумри” йўналишида электр узатиш линиясини қуриш лойиҳасини жадаллаштириш масалалари мувофиқлаштирилди.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг кўламли шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

Суҳбат ҳар доимгидек конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ВА ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг бетакрор ижодий мероси, унинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни мадҳ этган етук бадиий асарлари, сермазмун ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 80 йиллигини муносиб нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони, **Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастур**ини ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

2021 йил март ойининг учинчи ўн кунлигида Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида Абдулла Орипов хотирасига бағишланган тантанали адабий-бадиий хотира кечасини ўтказиш;

Давоми 2-бетда

## ИҚТИСОДИЙ ФАРОВОНЛИГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

### 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

**Биз фақат халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, айни вақтда дунё ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб, дадил олдинга боришимиз шарт. Бу борада бизга Конституциямиз ҳамиша раҳнамо бўлиб, беқиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




**Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кун давлатчилигимиз тарихидаги энг ёрқин саналардан биридир. Бу бежиз эмас. Зеро, Бош қонунимиз ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилабгина қолмай, улар амалга ошишининг мустаҳкам кафолатларини таъминлайди.**

Шуниси эътиборлики, Конституциямизда давлат ва жамият тараққиётининг асосий мақсад ва тамойиллари белгиланиши баробарида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимизни ташкил этиш қоидалари ҳам ўрнатилган.

Жумладан, унинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу моддада белгилаб қўйилган нормаларнинг амалий ифодасидан бири жорий йилга мўлжалланган давлат бюджетининг қонун шаклида қабул қилиниши бўлди. Ушбу чора, аввало, бюджет маълумотлари очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағлари шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида амалга оширилди. Бу эса Конституциянинг юқоридаги моддасида белгиланган нормаларга тўлиқ мос келади.

2020 йилдан бошлаб давлат бюджети қонун шаклида қабул қилиниб, халқ вакиллари томонидан назоратга олинди. Ушбу қонунга кўра, жорий йилдан бошлаб давлат бюджети устидан назорат, уни шакллантириш, тақсимлаш ва тасдиқлаш ваколатлари Олий Мажлис палаталарига ўтди. Бу эса, ўз навбатида, вазирлик ва идораларнинг парламентга ҳисобдорлигини оширишга хизмат қилди. Зеро, давлат бюджети — халқ маблағлари. Парламент аъзолари — сенаторлар ва депутатлар халқ вакиллари сифатида эндиликда бу маблағларни тақсимлаш, вазирлик ва идораларнинг уларнинг сарфланиши ва фойдаланилиши ҳақида ҳисоботларини олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли адиб ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамиятини инобатга олиб, адиб таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастур**ини ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

2021 йил август ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий хотира кечасини ўтказиш;

адибнинг ўзбек тилидаги “Танланган асарлар”ини, қорақалпоқ, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган асарларини, шунингдек, **“Ўткир Ҳошимов замондошлари хотирасида”** китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Давоми 2-бетда

### Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги

## МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЙСИНИ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИДА КЎРГАН МУТАФАККИР

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадиий кеча ташкиллаштирилди. Унда олимлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди. Кечада куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилиб, шеърлар янгради, мутахассисларнинг чиқишлари тингланди. Шунингдек, Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари томонидан “Беҳбудий монологи” ижро қилиниб, алломанинг асари асосидаги спектаклдан лавҳалар намойиш этилди.**

Давоми 6-бетда



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий эстрада санъатимиз асосчиларидан бири, замонавий ўзбек маданиятини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, ижодий ва ижтимоий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган буюк санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамиятини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бадиий академия, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастур**ини ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 декабрь, 233-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ВА ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Абдулла Ориповнинг ўзбек тилидаги икки жилдлик "Танланган асарлар"ини, қорақалпоқ, рус, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган шеърий тўпламларини, шунингдек, **"Абдулла Орипов замондошлари хотирасида"** китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида "Абдулла Орипов ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни" мавзусида халқаро илмий-назарий конференция ўтказиш ҳамда анжуман материалларини алоҳида тўплам ҳолида чоп этиш;

Тошкент вилояти Қибрай тумани Арғин маҳалласидаги Абдулла Орипов яшаган хонадонда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

мамлакатимиз театрларида Абдулла Орипов асарлари асосида спектакллар саҳналаштириш;

умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишланган "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" мавзусида иншолар танловларини ўтказиш;

Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ижод мактабида ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида "Митти юлдуз жилолари" шеърият беллашувини ўтказиш;

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиблар хиёбонида таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида Абдулла Орипов ижодига бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари, китобхонлик ва шеърият кечалари ташкил этиш.

Ташкилий қўмитага Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 2 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Замонавий ўзбек адабиёти ривожида Ўткир Ҳошимов ижодининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказиш;

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Дўмбиробод маҳалласидаги адиб яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

Ўткир Ҳошимовнинг асарлари асосида спектакллар саҳналаштириш ва янги фильмлар яратиш;

Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Ўткир Ҳошимов номини бериш;

республика ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида "Ўткир Ҳошимов асарларининг билимдонлари" танловини ўтказиш;

мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида адиб асарлари асосида иншолар танловларини ўтказиш;

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиблар хиёбонида таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида Ўткир Ҳошимов ижодига бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда китобхонлик кечаларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканалларида Ўткир Ҳошимов асарлари асосида яратилган телевизион фильмларни кенг намойиш этиш.

Ташкилий қўмитага Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 2 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2021 йил декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигига бағишланган хотира кечасини ўтказиш;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада олий мактабини ташкил этиш, у ерда хонанда хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуасини ва музейини барпо этиш;

Бадиий академия томонидан Ботир Зокиров ҳайкалини яратиш бўйича танлов эълон қилиш ва уни Тошкент шаҳрида белгиланган тартибда ўрнатиш;

Ботир Зокиров яшаган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 3-уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага Ботир Зокиров номини бериш;

Ўзбекистон давлат филармониясининг Миллий эстрада-симфоник оркестри билан Ботир Зокиров номидаги эстрада оркестрини бирлаштириб, Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада-симфоник оркестрини ташкил этиш;

Ботир Зокиров номидаги жамоат фонди фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси иштирокида **"Ботир Зокиров замондошлари хотирасида"** номли китобни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Ботир Зокиров ижодига мансуб тасвирий санъат намуналари ҳамда адабий асарлардан иборат китоб-альбомни ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида нашр этиш;

Ботир Зокиров номидаги замонавий эстрада қўшиқчилари танловини юқори савияда ўтказиш;

Ботир Зокировнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида янги ҳужжатли фильм яратиш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали Ботир Зокиров ва Зокировлар ижодий сулоласи ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмларни намойиш этиш;

республика театрларида Ботир Зокиров ҳаёти ва фаолиятига бағишланган спектакллар саҳналаштириш;

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ботир Зокиров ижодий меросининг миллий санъатимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида илмий конференция ўтказиш ва анжуман материалларини тўплам ҳолида чоп этиш;

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ва маҳаллаларда таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида Ботир Зокиров ижодига бағишланган учрашувлар ва ижодий кечалар ташкил этиш.

Ташкилий қўмитага Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 2 декабрь

# АБДУЛЛА ОРИПОВ ХОТИРАСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ



**Сирожиддин САЙЙИД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири**

**Президентимиз томонидан "Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Ориповнинг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорнинг имзоланиши миллат истиқболи ва равнақини кўзлаб амалга оширилган яна бир эзгу ҳамда улуғ иш бўлди.**

Бугун адабиётга, маънавиятга бўлган эътибор ҳар қачонгидан кучаяётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Миллий боғда муҳташам Адиблар хиёбони барпо этилгани, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун алоҳида бино қуриб битказилгани ва улуғ адибларимиз ҳамда шоирларимизнинг адабий меросини ёшлар онгига, қалбига сингдириш борасида улкан маънавий-маърифий сабоқлар ташкил этилаётгани ана шу эътиборнинг яққол намунасидир. Айниқса, Президентимиз томонидан "Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Ориповнинг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорнинг имзоланиши ҳам миллат истиқболи ва равнақини кўзлаб амалга оширилган энг эзгу ҳамда улуғ ишдир.

Қарорда белгиланган ҳар бир вазифа давлатимиз раҳбарининг адабиётга, маънавиятга бўлган эътибори, эҳтироми нақадар юксак эканлигини кўрсатадиган тарихий воқеликдир. Бу воқелик китобга меҳри бўлган ҳар бир инсоннинг, ижод аҳлининг, барча-барчамизнинг кўнглимизда ўзгача акс-садо бермоқда. Бу ҳаяжоним қанчалар кўнглимда мавж ураётганини таърифлашга тил ожиз!..

Шунингдек, қарорда Абдулла Орипов ижоди бўйича халқаро анжуман ўтказиш борасида ҳам муҳим вазифа белгиланганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу улуғ шоиримиз ижодини кенг дунёга билдириш, олам аҳлини бу ўлмас меросдан бохабар қилиш дегани... Ахир, устоз шоиримиз бир пайтлар шеърларида ўз овози икки дарё оралиғида қолиб кетаётганлигини армон билан ёзмаганмиди...

Ҳа, Абдулла Ориповнинг армонлари кўп эди. Ўзи узоқ йиллар бошқарган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ўз биноси йўқлиги бир армон бўлса, она тилимизга бўлган эътиборнинг ҳаминқадарлиги яна бир армон эди... Қанийди, дунёнинг юксак минбарларида она тилимиз янграётганини устоз адибимиз ўз кўзлари билан кўрганларида эди... Қанчалар фахр ва ғururга чўмар эдилар. Ҳа, бугун устоз кўрса қувонадиган кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляпти. Шоирлари қимтиниб ижарама-ижара юрган, ўз китобини чоп эта олмай сарсон бўлган ўша пайтларда шоирнинг бағри тилим-тилим бўлганлигини замондошлари жуда яхши билади. Минг шукрким, кейинги 3-4 йил асносида улуғ шоиримиз орзу қилган кўплаб воқеликлар содир бўлди.

Биз Абдулла Ориповнинг армонлари ушалаётган кунларни ўз кўзи билан кўриб, фахрланиб яшайдиган бахтли авлод бўлдик. Ҳа, устозимиз орзу қилган кунлар келди! Ватан тақдири, равнақи учун астойдил завқу шавқ билан ижод қиладиган замонлар келди! Барча ижод аҳлининг, айниқса, ижодкор ёшларимизнинг қалбидаги илҳом қуввати ва зўр ишончни, шижоатни кўриб қувонган пайтларимда мана бу сатрларни бор овозим билан такрорлагим келади:

*Улуғ кунлар баҳорида,*
*тирикликнинг наҳорида,*
*Улуғ эл бирла дардлашган*
*улуғ зотлар қаторида,*
*Жаҳон аҳлига юз тутган*
*бу ўзбеклар диёрида,*
*Жаҳон Абдулла Орифсиз,*
*ҳамон Абдулла Орифсиз!*

# БУЮК АДИБНИНГ БАРҲАЁТ МЕРОСИ



**Иброҳим ҒАФУРОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби**

**"Шундай китоб ёзсангки, уни ўқиган китобхон орадан йиллар ўтиб асарни қайтадан қўлига олганида тағин ҳаяжонланса, янги маънолар топса". Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг ушбу орзулари ушалди, унинг қаламига мансуб бебаҳо бадиий асарлар адабиётимиз ва маънавиятимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.**

Айниқса, тараққиётнинг юксак чўққиларини кўзлаб, халқимиз "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" дадил одимлаётган бугунги давримизда маънавиятимиз тафаккури хазинасига муносиб улуш қўшган улуғ сиймоларимизнинг ҳаёти, ижоди, фаолиятини ўрганиш, ёш авлодни уларнинг асарларида илгари сурилган миллий ва умуминсоний қадриятларга юксак эҳтиром руҳида тарбиялашга эътибор тобора кучаймоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Ушбу қарор маданиятимиз, санъатимиз, бадиий адабиётимиз тараққиётида яна бир муҳим ҳодиса бўлди. Бу янгилик сўнгги йилларда мамлакатимизда рўй бераётган маданий янгиланишларга янада янги руҳ бахш этди. Айтиш керак, адиблар хиёбонининг барпо этилиши туфайли маънавий ҳаётимизда бошланган янгиланишлар халқимизнинг маънавий тафаккурида қанчалик ўзгариш ясаганини кўриб барчамизнинг руҳимиз кўтарилмоқда. Бу ёшларимизнинг мумтоз ва замонавий адабиётимиз намояндалари ижоди билан яқиндан танишиши, уларнинг асарлари мутолаа қилиниши, ижод мактаблари яратилишида муҳим воқеа бўлмоқда. Бу мактабларда XXI аср ёшлари таълим-тарбия олиб, униб-ўсиб, келажак сари дадил қадам ташлаяпти.

Президентимизнинг ушбу қарори жамиятимизга ана шундай янги тўлқинлар олиб келишда, ёшлар камолоти ва маънавий ҳаётимизда муҳим янгиланишларга туртки бўлади.

Мазкур қарор асосида келгуси йилда Ўткир Ҳошимов таваллудига бағишлаб анжуманлар, турли тадбирлар, иншолар танлови ўтказилади. Адибнинг танланган асарлари, хорижий тилларга таржима қилинган асарлари тўплами, "Ўткир Ҳошимов замондошлари хотирасида" китоби чоп этилади. Ўткир Ҳошимовнинг асарлари асосида спектакллар саҳналаштирилади, янги фильмлар яратилади. Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Ўткир Ҳошимов номи берилади. Албатта бу эзгу ишлар, аввало, эл севган, ардоқлаган адибнинг хотирасига бўлган юксак эҳтиром намунаси, шу билан бирга, давлатимизнинг адабиётимиз ривожига қаратаётган улкан эътибори ифодасидир.

# ХАЛҚИМИЗ АРДОҒИДАГИ САНЪАТКОР



**Фаррух ЗОКИРОВ, Ўзбекистон халқ артисти**

**Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировдан бой ва бебаҳо мусиқий мерос қолди. У куйлаган қўшиқлар халқчиллиги, сўзи ва оҳангидаги сеҳрли жилолари туфайли нафақат халқимиз, балки бошқа миллат ва элатлар томонидан ҳам севиб тингланади.**

Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ана шундай барҳаёт меросни асл ҳолича асраш ва келажак авлодларга етказишда муҳим қадам бўлди.

Мен жудаям ҳаяжондаман. Аввалambор, оиламиз, қолаверса шахсан ўз номимдан Президентимизга миннатдорлигимизни билдирмоқчимиз. Чунки бу кунни анчадан бери кутгандик. Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг 85 йиллик юбилейини нишонлаш нафақат биз санъаткорларга, балки халқимизга ҳам катта қувонч бағишлайди. Ботир акам қисқа умр кўрди, лекин фаолияти, ижоди билан худди бир аср яшагандек из қолдирди.

Давлатимиз раҳбари томонидан санъатга, маданиятга, ижодкорларга катта эътибор беριляпти. Одамларни қувонтирадиган, қалбини завққа тўлдирадиган хайрли ишларга қўл уриляпти. Бугун қарорни ўқиб, қувонганимдан кўзимга ёш келди.

Ботир Зокиров оламдан ўтгандан бери унинг юбилейи бундай кенг миқёсда нишонланмаган эди. Ваҳоланки, халқимизнинг бу улуғ санъаткори ҳар қанча эътиборга арзийди. У бутун умр халқи учун меҳнат қилди, садоқатини қўшиқларда куйлади. Миллий қўшиқларимизни дунё саҳнасида куйлаб, ўзбек халқини оламга танитди. Қарорда Ботир Зокиров ҳаёти ва ижод йўлини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишга кенг ўрин берилган. Жумладан, Ботир Зокировнинг ҳаёти ва фаолияти, Зокировлар ижодий сулоласи ҳақида ҳужжатли фильмлар, спектакллар яратилиши белгиланган.

Эндиликда унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида кўчаларимизга номлари берилади, жумладан Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада олий мактаби очилади, унга эстрада-вокал жанридаги мутахассислар жалб этилади. Бу орқали ёшларимизга Ботир Зокировнинг ижоди, қўшиқлари ўргатилади. Ҳақиқатан, унинг миллий қўшиқлари авлоддан авлодга ўтиб келаётган мерос бўлиб қолди. Негаки, мусиқа ўлмас мерос. Халқнинг кўнгли, руҳияти акс этган чинакам мусиқий асарлар жамият, тарих, қадриятлар ҳақидаги ҳақиқатларни асрлардан асрларга олиб ўтади. Бундай асарларни яратиш учун эса, аввалambор мустаҳкам пойдевор, ижодий муҳит, шарт-шароит зарур.

Энг асосийси, бу улуғ санъаткор бизга улкан мерос қолдирди. Бугун бу хазинадан ёшларимиз баҳраманд бўлиши керак. Қарор Ботир Зокировнинг ҳаёти, ижодини ўрганиш орқали миллий эстрада санъатини ривожлантириш, ёшларни миллий руҳда тарбиялаш, ўзбек санъатини дунё саҳналарига олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, унинг қолдирган меросини авлодларга етказиш дурдона асарлар умрбоқийлигига ҳисса қўшади. Қарорда "Ботир Зокиров замондошлари хотирасида" китоби нашр этилиши белгиланганни ҳам аждодлар ва авлодлар ўртасидаги боғлиқликни таъминлашга хизмат қилади.

**Конституциянинг иқтисодиётимизга бевосита дахлдор яна бир жиҳати шундаки, унда хусусий мулк дахлсизлиги ва мерос ҳуқуқи кафолатланган.**






**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**

# ИҚТИСОДИЙ ФАРОВОНЛИГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Бошланиши 1-бетда



**Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси**

Конституциянинг иқтисодиётимизга бевосита дахлдор яна бир жиҳати шундаки, унда хусусий мулк дахлсизлиги ва мерос ҳуқуқи кафолатланган. Жумладан, Бош қонуннинг 12-бобида жамиятимизнинг иқтисодий негизлари алоҳида белгилаб қўйилган бўлса, 9-боби "Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар" деб номланиб, унда давлатимиз иқтисодий ҳаётига оид асосий нормалар белгиланган.

Хусусан, Конституциямизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши қайд қилинган. Бунда давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлаши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани ҳам шу моддада белгиланган. Конституциямизда ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли экани, мулкдорнинг мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳуқуқлари ҳам мустаҳкамланган.

Бош қонунимиздаги мулк ҳуқуқига оид ана шу нормалар жорий йилда қабул қилинган тўғридан-тўғри таъсир кучига эга бир қатор қонунларда ўз аксини топди. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга ўзгартишлар киритилмоқда. Улар мамлакатимизда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари асоссиз бузилишининг олдини олишга қаратилган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ёки туман (шаҳар) ҳокимликларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори адлия органларининг ижобий хулосаси мавжуд бўлгандагина қабул қилиниши белгиланди. Бу эса аксарият ҳолларда низо ва норозиликларни келтириб чиқараётган масалада адолат ўрнатилишига хизмат қилади.

Шунингдек, ер участкасини олиб қўйиш ташаббускори ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектининг мулкдори ўртасида тузиладиган ерни олиб қўйиш муносабати билан компенсация бериш тўғрисидаги келишув мажбурий тарзда нотариал тасдиқланиши шартлиги қонунда аниқ қилиб кўрсатилмоқда. Демак, эндиликда ушбу муносабатлар ҳужжатлаштирилади, бу эса мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқлари асосли равишда ҳимоя қилинади, деганидир.

Шу билан бирга, кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объекти мулкдорига келишувда, низо мавжуд бўлган ҳолларда эса суд қарорида белгиланган компенсация тўлиқ тақдим этилгандан сўнг йўл қўйилиши белгиланмоқда. Шунга кўра, ушбу қонун кучга кириши билан "снос" масаласида шу пайтгача йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилади.

Тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш, асоссиз солиқ имтиёзларини бекор қилиб, барчага бир хил солиқ тартибини жорий этиш каби талабларни ифодаловчи, шу йилдан амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси меъёрларига ушбу қонун билан 11 та қонун ва 2 та кодекс талаблари мувофиқлаштирилмоқда.



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Солиқ кодексидаги солиқ имтиёзлари индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги талаб юзасидан "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги ва "Судлар тўғрисида"ги қонунлардаги судьяларнинг даромад солиғи тўламаслиги тўғрисидаги талабнинг бекор қилиниши каби ўзгаришлар киритилмоқда.

> **Жисмоний шахслар томонидан хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинадиган даромадларни солиққа тортишдан озод қилиш борасидаги талабга биноан кодексга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмаси қўмитаси, хайрия ва экология жамғармалари томонидан кўрсатилган ёрдам, жисмоний шахснинг манфаатини кўзлаб, товар ва хизматларни етказиб берувчидан сотиб олиш, пул кўринишидан ташқари хайрия мақсадида бошқа шаклларда қўллаб-қувватлаш каби аҳолининг моддий ҳолатини яхшилашга хизмат қиладиган бир қатор меъёрлар киритилган.**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг эркин бозор шароитида, соғлом рақобат асосида ривожланиши борасида кенг имкониятларни таъминловчи бу каби янги қонун ҳужжатлари айнан Конституциямизда мустаҳкамланган тегишли нормалар асосида қабул қилинмоқда. Демак, мамлакатимиз фаровонлигини таъминлашда пойдевор бўлиб хизмат қилаётган Бош қонунимиз юртимизнинг янада равнақ топиши, унинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши йўлида асосий таянч, таъбир жоиз бўлса, йўлчи юлдуз бўлиб қолаверади.

**3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни**

**Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тўсиқсиз муҳит яратиш, жамиятга интеграция қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг бу борада муҳим фармон ва қарорлари қабул қилингани ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётга интилишини ошириш, жамият ҳаётида фаол қатнашишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



**Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
спикери ўринбосари**

Албатта, ҳар бир соҳанинг ривожланиши, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, аввало, қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан кейинги йилларда қонунчиликка муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу соҳа ҳуқуқий томондан тўлиқ қамраб олинди.

Масалан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, илм ўрганиши, касб танлаши, ҳунар ўрганиш борасидаги ҳуқуқларини амалга ошириш масаласида Меҳнат кодексига, "Таълим тўғрисида"ги қонунга янги меъёрлар киритилди.

Бундан ташқари, Шаҳарсозлик кодексида ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши, ижтимоий объектларга эмин-эркин кириб чиқиши учун шароит яратиш масалалари кўзда тутилди. Биноларни қуришда, лойиҳалаштиришда ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланишини ҳисобга олиш алоҳида меъёр сифатида белгиланди.

Умуман айтганда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг билим олиши, ҳунар ўрганиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун ҳуқуқий жиҳатдан шароит яратилди. Бу борада давлат ташкилотларининг мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

Маълумки, шу йил 15 октябрь куни давлатимиз раҳбари "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонунни имзолади. 2021 йилдан эътиборан кучга кирадиган мазкур қонун орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим яратиладиган бўлди.

Бу борада ишларнинг барчаси жисмоний имконияти чекланган кишиларни нафақат қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилиши билан аҳамиятга эга. Бу қонун давлатнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабати, масъулияти янги даражага кўтарилаётганини ҳам билдиради. Ҳукумат, вазирлик-идоралар томонидан қонун талаб этадиган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Қонун асосида ногиронлиги бўлган шахсларни энг кўп қийнаб келаётган масала — тиббий текширув комиссиялари фаолияти такомиллашади, мурожаат қилувчи 10 календарь кунида хулосани олади. Тиббий текширувлар бепул амалга оширилади. Ногиронлиги бўлган шахслар амбулатор ва стационар тартибида имтиёзли даволанади, протез-ортопедия анжомлари билан таъминланади.

Биноларга кириб-чиқиш учун махсус йўлакчалар, пандуслар, жамоат транспортида махсус ўриндиқлар жойлаштирилади. Таълим олишнинг барча босқичларида шароит яратилиб, касб-ҳунарга ўргатиш, коллеж ва техникумларда таълим олишлари давлат ҳисобидан таъминланади.

Маҳаллий ҳокимликлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жой шароитини яхшилашга масъул бўлади. Никоҳ тузиш ва оила қуриш, болаларни фарзандликка олиш, болаларни тарбиялашга доир мажбуриятларни бажариши чоғида ёрдам олиш, шу жумладан, уйида ва яшаш жойида хизматлар кўрсатилиши ҳуқуқи таъминланади.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам беради ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Маълумки, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентлар қабулининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квоталар қўлланилиши жорий этилди. Натижада жорий ўқув йилида 3 мингга яқин ногиронлиги бўлган ёшлар олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ходим сифатида ёллаган якка тартибдаги тадбиркорларга қатъий белгиланган солиқнинг имтиёзли ставкаси қўлланилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ихтисослаштирилган идора ва Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган.

2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида умумий маълумотларни (ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқалар) ўз ичига олган ягона электрон реестр жорий қилинган.

Бир неча йиллар давомида ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган жамоат ташкилотларини давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлаш масаласи кўтариб келинарди. Бундай ташкилотлар фаолияти ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Лекин уларнинг моддий-техника базаси, ваколатлари, имкониятлари чекланиб қолган эди. Шунинг учун биринчи марта мана шу ташкилотларга давлат томонидан 1 миллиард сўм субсидия ажратилди. Бу ёрдам орқали Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ва Ногиронлар ассоциацияси ўз фаолиятини тўғри йўлга қўйиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини, манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

2021 йилга мўлжалланган бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳаси парламентдаги кенг ва қизғин муҳокамалардан кейин қабул қилинди. Бу қонунни муҳокама қилишда ҳам ижтимоий соҳага ажратилган харажатларга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат бюджетидан келгуси йилда 1,2 миллион оилани моддий қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Албатта, бундай оилаларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳам бор.

Бундан кейин ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш, юзага келаётган муаммоларни парламент даражасида ҳал қилиш бўйича таклиф ва ташаббуслар давом этади.

Амалга оширилаётган ўзгаришларга қарамай, ногиронлиги бўлган шахсларни ўйлантириб келаётган муаммоли масалалар ҳам оз эмас. Ўзбекистон Ногиронлар, Кўзи ожизлар ва Карлар жамиятлари аъзолари, депутатлар билан бу борада доим фикр алмашиб турибмиз, ечим топиш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга белгиланган тиббий хизматлар жойларда вақтида кўрсатилмаётгани, протез-ортопедия воситалари етишмаслиги, жамоат транспортлари мослаб жиҳозланмагани, бекатлар ва маршрутларда эшиттирувчи, электрон маълумотлар таблолари каби махсус воситаларнинг йўқлиги билан боғлиқ муаммолар кун тартибида турибди.

Ногиронлиги бўлган кишилар, одатда, бошқалардан фарқли ўлароқ, соғлиги сустроқ, таълим соҳасидаги ютуқлари камроқ, иқтисодий имкониятлари чекланган ва моддий шароити ҳам ёмонроқ бўлади. Бу ўз навбатида уларнинг ҳар кунлик ҳаётида кўплаб тўсиқларни туғдиришини ҳисобга олиб, жойларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси ва мослашуви самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши зарур.

"Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги халқаро конвенцияни босқичма-босқич ратификация қилишга тайёргарлик кўриш масаласи ҳам муҳимдир.

Мамлакатимизда "Халқаро ногиронлар куни" муносабати билан жорий йил 30 ноябрдан 30 декабрга қадар "Меҳр-мурувват ойлиги" ўтказилмоқда. Бу хайрли тадбирларда фаол қатнашиш барчамизнинг инсоний бурчимиз ҳисобланади.

**Хорижликлар нигоҳида**

## Россия парламенти юқори палатаси раиси ўринбосари Илёс Умахонов:

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ МАМЛАКАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТНИ МУСТАҲКАМЛАШ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТДИ



**Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши (юқори палата) раиси ўринбосари Илёс Умахонов мамлакатимиз раҳбарияти ва халқига самимий табрик йўллади.**

— Ҳурматли ўзбекистонликлар, азиз дўстлар!

Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши раиси Валентина Матвиенко, сенаторлар корпуси ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Республикаси Асосий қонуни қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан барча ўзбекистонликларни самимий қутлайман.

Ўзбекистонда Конституцияни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида жиддий ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу муҳим ҳужжатни ишлаб чиқиш ғояси 1990 йил июнь ойида Ўзбекистон парламентининг II сессиясида илгари сурилганди. Икки йил давомида мамлакатнинг Бош қонуни матни лойиҳаси устида таниқли олимлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, депутатлар ва сиёсатчилар иш олиб борди. Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини тайёрлашдаги энг муҳим босқич 1992 йилда ташкил этилган умумхалқ муҳокамаси бўлиб, унда бош миллий ҳужжат лойиҳаси матнига олти мингдан ортиқ таклиф киритилди.

Амалдаги Ўзбекистон Конституциясининг асосий ғояси — инсоннинг давлатнинг энг олий қадрияти сифатида эътироф этилгани, унинг асосий мақсади эса республика фуқароларига муносиб турмуш даражаси, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имконияти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашдир.

Бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўзбек халқининг орзу-интилишлари ва энг юксак демократик талабларга тўла жавоб берадиган қонун ҳужжатига айлантирган.

Конституциянинг 28 йил давомидаги амалиёти Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти ва қонун устуворлигига асосланган ижтимоий йўналтирилган демократик давлат изчил шаклланиб бораётганини ишонарли тарзда намоён этади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Конституцияси мамлакатни янада ривожлантириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда мустаҳкам замин яратди.

Россия Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришларни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда жадал тус олди. Бунга мамлакатларимиз раҳбарлари Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракатлари билан эришилмоқда. Уларнинг ўзаро ишонч асосига қурилган муносабатлари ва натижаларга эришишга бўлган қатъияти Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ривожида янги босқичнинг бошланишини белгилади ва унга кучли туртки берди.

Конституциявий тамойил ва меъёрлар асосида фаолият юритаётган Президентларимиз томонидан яратилган ҳамкорликнинг мустаҳкам замини парламент аъзолари ўртасидаги мулоқот мазмунини ҳам белгиламоқда. Парламентлараро алоқалар ва қонунчилик соҳасидаги яқин ҳамкорлик давлатларимиз конституцияларида белгилаб берилган меъёрларни таъминлашнинг давоми сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги янги таҳдид ва хавф-хатарлар шароитида парламент дипломатиясининг давлат ташқи сиёсатининг энг муҳим воситаларидан бири сифатидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу йўналишдаги ҳамкорлик минтақада ҳақиқий маънодаги суверенитет ва барқарорликни таъминлашга қаратилган. Парламентлараро ҳамкорлик ўзаро манфаатларни ҳисобга олишга асосланган долзарб халқаро муаммолар бўйича умумий позицияларни ишлаб чиқишга кўмаклашмоқда.

Умумий тарихимиз, дўстлигимиз ва амалий ҳаракатларимиз Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини янада муваффақиятли ривожлантиришнинг гарови эканига ишончим комил.

Сизни ишонтириб айтаманки, Россия Федерация Кенгаши парламентнинг минтақалар палатаси сифатида давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун зарур бўлган барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади.

Муҳим сана арафасида қардош Ўзбекистон халқига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик ва мамлакатнинг янада равнақ топишини таъминловчи режаларни амалга оширишда муваффақиятлар тилаб қоламан.

**"Дунё" АА,**
Москва

**Ерга ер қўшиб, ўз вақтида сифатли шудгор қилиш келгуси ҳосил заминидир.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 декабрь, 233-сон

Қишлоқ хўжалиги






# ЯНГИ ТУЗИЛМА

## аграр соҳани ривожлантиришга хизмат қилмоқда

**Гулсум ШОДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Президентимизнинг 2019 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ташкил этилган янги тузилма мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида энг долзарб саналган йўналишларни тараққий эттириш, аграр тармоқни янада ривожлантириш ҳамда бу борадаги чуқур ислоҳотларни изчил давом эттиришга хизмат қилмоқда.**

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда, эндиликда қишлоқ хўжалиги тизимида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш "Ўзагроинспекцияси" томонидан бажарилади.

Шу боис, Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чорвачиликда наслчиликни назорат қилиш, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари сақланиши ҳамда маҳсулотларини қайта ишлаш сингари соҳа ва йўналишлар инспекция органлари томонидан назорат қилинмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ўтказишда Президентимизнинг 2019 йил 15 мартдаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиб келинмоқда.

Масалан, "Ўзагроинспекция"нинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 2 897 та назорат тадбири ўтказилиб, 2 349 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 261 нафар шахсга ёзма кўрсатмалар берилиб, 236 та ҳолатда тақдимномалар киритилган. Шунингдек, аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг 133 таси қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш, 31 таси пахта хомашёси, дон, уруғлар ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан фойдаланиш ва ҳоказоларга тааллуқли.

— Вилоятимизда кузги ғалла экиш ишлари бошланган пайтда ҳар бир майдонга белгиланган тартибда тайёрланган ва сифати кафолатланган уруғлик дон экилиши лозим, — дейди "Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари етиштирилиши ва таъминотини назорат қилиш бўлими бош инспектори Рустам Каримов. — Бироқ назорат тадбирлари жараёнида вилоятдаги дон корхоналари томонидан уруғлик донни тайёрлаш, дорилаш ва тарқатиш бўйича бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлик ҳолатлари кузатилган. Жумладан, "Қамаши дон қабул қилиш" МЧЖ кейинги йил учун уруғлик дон партияларини очиқ майдонларда сақлаётгани, қадоқланган уруғлик донни жойлаштиришда белгиланган масофага амал қилинмаганлиги аниқланди. Айни пайтда жамиятнинг уруғлик цехи омбор мудири Б.Холова нисбатан баённома расмийлаштирилиб, маъмурий иш қўзғатилган.

Шунингдек, "Косондон" дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси уруғлик тайёрлаш цехи раҳбари Ш.Хўжаёров ҳамда "Дунё-М" АЖ Шаҳрисабз филиали омбор мудири Н.Умиров ҳам уруғлик дон тайёрлашда қонунбузилишига йўл қўйгани боис, маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шу кунга қадар "Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси томонидан уруғлик дон тайёрлаш корхоналарида жами 8 та назорат тадбирлари ташкил этилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан 17 миллион 840 минг сўм жарима қўлланилган. 1 та кўрсатма, 5 та тақдимнома ҳамда 23 та огоҳлантириш киритилган. Агротехник тадбирларни ўтказилишини назорат қилиш соҳаси бўйича ҳисобот даврида жами 205 та назорат тадбирлари ташкиллаштирилиб, 43 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Ушбу ҳолатлар бўйича мутасадди ташкилотларга 38 та тақдимнома киритилиб, келгусида бунга йўл қўймаслик борасида 294 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилган.

— Ота-боболаримиз "Кузги шудгор — бошқаси бекор", "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда", деб бежизга айтмаган. Зеро, экинлардан мўл ҳосил етиштиришда кузги шудгорлашнинг аҳамияти катта, — дейди "Ўзагроинспекция"нинг Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Нурбек Наврўзов. — Шундан келиб чиққан ҳолда, айни мавсумда вилоятимизда 128 минг 410 гектар майдонда кузги шудгорлаш ишлари амалга оширилиши режа қилинган эди. Ҳозирда бу ишларга 410 та юқори унумли ҳайдов тракторлари жалб этилиб, шудгорлаш ишлари охирига етмоқда. Бу ишларни ташкил этишда ернинг бир текис, сифатли ағдарилиши, шудгорлаш чуқурлигининг 40-45 сантиметр бўлиши, даланинг четки қисмларигача шудгорланиши муҳим аҳамиятга эга. Деҳқонлар таъбири билан айтганда, ерга ер қўшиб, ўз вақтида сифатли шудгор қилиш келгуси ҳосил заминидир. Шу боис, ҳайдов техникаларининг ишчи ҳолати, плугларнинг тўғри ростланганлиги, лимихлари янгисига алмаштирилганлиги ва бошқа шудгор сифатига таъсир этувчи омиллар устидан назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Тадбирларда шудгорлаш ишларининг сифатли ўтказилиши, операторларга шарт-шароитлар яратилиши, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларининг ўз вақтида етказилиши каби ҳолатлар ҳам назоратга олинган.



Маълумки, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, сув танқислигининг олдини олиш, барча ҳудудларга обиҳаётнинг бирдек етиб боришини таъминлаш, сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда бунда аниқ ҳисоб-китобни юритиш талаб этилади. Шу боис, вилоятда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларини тежамкорлик билан сарфлаш борасида ҳам қатор назорат тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

— Бу борадаги таҳлил натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 152 та ёзма кўрсатма, 31 та корхонага тақдимнома киритилди, — дейди "Ўзагроинспекция"нинг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи Файзулло Ғуломов. — Шунингдек, 289 нафар шахсга нисбатан 77 942 000 сўм маъмурий жарима қўлланилган бўлса, 150 та қонунбузилиш ҳолати бўйича қонуний қарор қабул қилиш учун тегишлилигига кўра, ваколатли органларга юборилган. Мисол учун, Яккабоғ туман ирригация бўлими ҳисобидаги Ўнг қирғоқ канали, Нуғайли сув омбори ҳамда Қамаши тумани ирригация бўлими ҳисобидаги Л-1 канали масъуллари томонидан сувларнинг ҳисоб-китоб журналларини юритиш қоидаларини бузганлиги аниқланиб, уларга белгиланган тартибда чора кўрилди.

Бундан ташқари, меъёрий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, сертификатлаш ва метрология соҳасида ҳам қатор назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ариза ва шикоятларни ҳал этиш, бузилган ҳуқуқларини тиклашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда, "Ўзагроинспекция"нинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва туман бўлимлари аграр тармоқни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида долзарб бўлиб турган йўналишларга эътибор қаратиш, назорат тадбирларини тўғри ташкил этишга астойдил киришган.

Мораторий

# ҲАР ТУП ДАРАХТ ЭЪТИБОРДА

**Усмонали НОРМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Сурхондарёда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича бир қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонига кўра, ўтган йилнинг 1 ноябридан жорий йилнинг 31 декабригача давлат ўрмон фондига кирмайдиган қимматбаҳо дарахтлар ва буталар кесилишига мораторий жорий қилинганди.**

— Мораторий даврида вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига юридик ва жисмоний шахслар томонидан ноёб дарахт ва буталарни кесиш бўйича кўплаб мурожаатлар бўлганига қарамай, давлат ўрмон фондига кирмайдиган жами 78 турдаги, жумладан, қарағай, глидичия, грек ёнғоғи, лола, оқ тут, қора тут сингари қимматбаҳо дарахтлар ҳамда ҳинд сирени, шамшод, сирень каби ноёб буталарнинг минг тупдан ортиқроғи сақлаб қолинди, — дейди бошқарма бош мутахассиси Муқим Нормаматов. — Бу ишлар давом этяпти.

Айтиш керакки, Сурхондарё вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассислари тезкор рейдлар ҳамда мониторингни доимий равишда ташкил қилаётгани туфайли юридик ва жисмоний шахсларнинг ўрмонлардаги ўсимлик дунёсига зиён етказишига чек қўйилмоқда. Жорий йилнинг 10 ойи мобайнида жойлардаги туман инспекциялари билан ҳамкорликда ўсимлик дунёси муҳофазаси бўйича 334 та рейд ва текширув ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан 401 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, 399,3 миллион сўм миқдорида жарима ундирилган. Қонунбузарларнинг 19 нафари мансабдор шахс бўлиб, улар 35 миллион 11 минг сўм жарима тўлашди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги қарорига кўра, дарахтларни кесиш зарурати туфайли 629,9 миллион сўм миқдорида тўловлар ҳисобланиб ундирилган ва белгиланган тартибда туманлар ҳокимларига дарахтларни кесишга рухсатнома бериш бўйича розилик хатлари юборилган.



Ҳа, Сурхондарёда ҳар бир туп дарахт эътиборда. Чунки вилоятнинг иқлими республикамизнинг бошқа минтақаларига нисбатан жуда иссиқ. Айниқса, ёз ойлари ҳаво ҳарорати баланд бўлади. Мутахассислар фикрича, воҳанинг жанубий қисмида қуёшли кунлар 285 кунгача давом этади. Шунинг учун вилоятнинг барча шаҳару туманларида дарахтзор барпо этиш ҳисобига иқлимни мўътадиллаштириш ва қуёш тиғидан ҳимояланиш мумкин.

Охирги йилларда вилоят маркази Термиз шаҳрида кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётгани, юзлаб кўп қаватли уй-жойлар, маданий-маиший объектлар барпо этилаётгани ҳамда йўллар кенгайтирилаётгани туфайли ўтган асрнинг етмишинчи йилларида шаҳар ҳудудида экилган ва соя ташлаб турган дарахтлар кесилиб кетди. Бу ҳол эса шусиз ҳам ёзда тандирдек қизийдиган шаҳар об-ҳавосига кескин салбий таъсир қиляпти. Ёз ойлари баъзи биноларнинг атрофида соялайдиган жой йўқ ҳисоби. Шунинг учун шаҳар кўчалари ва ариқ атрофлари, ташкилот, корхона, таълим муассасалари ҳудудидаги бўш жойларни ободонлаштириш, мевали ва манзарали дарахтлар кўкартириш ҳамда хиёбонларни гулзорлаштиришга катта эътибор беріляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 3 ноябрдаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ўрмон хўжалиги бошқармалари ҳамкорлигида воҳада жорий йилнинг куз-қиш ойлари ҳамда келгуси йилнинг баҳорида кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахтлар кўчатини экишни уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида "Яшил Ватаним" акциясига старт берилди. Вилоят ҳокими Тўра Боболов ва Термиз шаҳри ҳокими Исроил Худойбердиев ушбу акция доирасида илк кўчатни ўтқазишди. Термиз шаҳрида мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экишга бағишлаб ўтказилган тадбирда табиат бойликларини, хусусан, ниҳолларни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва экологик барқарорликни таъминлаш қайд этилди.

Вилоят ҳудудида келгуси йилнинг май ойигача давом этадиган акция доирасида қарийб 18 миллион туп ҳар хил кўчат, жумладан, ноёб дарахтларнинг 4,5 миллион туп ниҳоли экилади. Хусусан, 1 миллион 60 минг ниҳол Термиз шаҳри маҳаллалари ҳудудида, гузар ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, шунингдек, марказий ва кичик кўчалар атрофидаги бўш жойларга ўтқазилади. "Яшил Ватаним" акциясининг биринчи куни шаҳарликлар Санъат саройи, шунингдек, Фидокор, Шифокор, Ат-Термизий, Ибн Сино, Ислом Каримов кўчалари атрофига 10 минг туп манзарали дарахт кўчатларини экишди.

Сурхондарё вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасидан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида воҳанинг барча шаҳару қишлоқларида 18,8 миллион туп турли мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқазилган. Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармалари кўчатзорларида тайёрланган минглаб туп ҳар хил дарахт кўчатлари пешма-пеш белгиланган жойларга келтирилиб экиляпти.

Секторлар фаолияти

# ТАДБИРКОРЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТ

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Илгари хорижга қатнаб, муҳожирлик азобини чеккан Бобур энди ўз юртида, ўз уйида, оиласи бағрида. У тадбиркорликнинг қўлидан тутди ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланди, ишга киришиб, яхши натижаларга эриша бошлади...**

Қорақалпоғистоннинг Чимбой тумани "Конши" маҳалласида яшовчи Бобур Нуржанов банкдан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, кичик паррандачилик фермасини ташкил қилди. Бугун хўжаликда боқилаётган товуқлар сони 1000 бошдан ошди. Бундан ташқари, бедана ва тўтиқуш ҳам парвариш қиляпти. Асли унинг ўзи шу соҳага жуда қизиқади. Қўшни давлатдан олиб келган 2 та тўтиқушини кўпайтириб, 15 тага етказди. Келажагини паррандачилик билан боғлаган тадбиркорнинг режалари бисёр.

Бугун юртимизда карантин даврида доимий даромад манбаидан айрилган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Мазкур йўналишда секторлар томонидан амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилиши ўз самарасини беряпти. Хусусан, Чимбой туманида 2-сектор раҳбарлигида аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, касб-ҳунарга йўналтириш орқали "темир дафтар"га кирган оилаларнинг моддий таъминотини яхшилашга катта эътибор қаратилган.

Тумандаги "Темир жол гузари" маҳалласида яшовчи Саламат Ешбаев ўз уйида мўъжазгина иссиқхона ташкил этиб, деҳқончилик орқасидан рўзғорини тебратмоқчи эди. Аммо ишни бошлашдан олдин маблағ тополмай бироз қийинчиликка дуч келди. Сектор раҳбари томонидан бу оиланинг шароити ўрганилиб, Саламатга банкдан 30 миллион сўм кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада томорқасининг бир сотих ерида иссиқхона қурди. Шу кунларда иссиқхонадаги бодринг ва помидор ҳосилга кириш арафасида.

— Сектор раҳбарининг тавсияси ва амалий ёрдами билан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, кичик паррандачилик хўжалигини ташкил этдим, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Ботир Абдикаримов. — Хоразм вилоятидан гўштга мўлжалланган 4-5 кунлик жўжаларни олиб келиб парвариш қиляпман, Бу жўжалар 45 кунда етилди. Айни пайтга қадар 6 марта ана шундай жўжаларни келтириб, парваришлаб, бозорга олиб чиқиб сотдим. Бунинг орқасидан яхшигина даромад кўряпман.

Шу кунларда ушбу хўжаликда 1200 бошдан зиёд парранда боқиляпти. Энди тадбиркор хўжалиги фаолиятини кенгайтирмоқчи, парранда боқиш учун ери ҳам торлик қилиб қолди. Шунинг учун яқинда унга сектор раҳбарининг амалий ёрдами билан 6 сотих ер ажратиб берилди.

— Мен ёғоч устасиман, аниқроғи, қора уйлар қураман. Қора уйни қуришда турли хил сифатли махсус ёғочлардан фойдаланаман, — дейди шу маҳалланинг яна бир фуқароси Азамат Турекеев. — Фаолиятимни кенгайтириш ва қурилиш дастгоҳи олишга имкониятим йўқ эди. Сектор раҳбарининг амалий ёрдами билан банкдан 30 миллион сўм кредит олиб, бугун қора уй қуришдан ташқари, турли ёғоч маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланяпман.

Тумандаги "Узаков Азат" фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Хориждан наслли молларни келтириш учун хўжаликка кредит зарур эди. Сектор раҳбарининг амалий ёрдами билан банкдан кредит ажратилиб, Нидерландиядан 200 бош "Голштейн" наслли қорамол олиб келинди. Гўшт ва сут етиштиришга йўналтирилган бу лойиҳа ишга тушиши билан 10 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

"Конши" маҳалласида яшовчи Бегдулла Мамбетмуратов темир бўлакларидан эшик, панжара ясаш мақсадида ўз лойиҳасини амалга ошириш учун сектор раҳбарига мурожаат қилди. Лойиҳа ва унинг истиқболи, ҳудуд учун аҳамияти ўрганилиб, унга тижорат банкидан хориждан ускуналар келтириш учун 200 миллион сўм кредит ажратилди. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида 6 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Мазкур йўналишда Хўжайли туманидаги 2-сектор томонидан ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Туманнинг ушбу сектор ҳудудидаги 6 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинида 305 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила истиқомат қилади.

Туманнинг "Жузимзар" маҳалласида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш муассасасига эҳтиёж бор эди. Чунки мавжудларининг имконияти етмаслиги, аҳоли сонининг кўпайиб бораётгани муаммога аниқ ечим топиш заруратини кўрсатди. Ҳудуд имкониятлари ва аҳолининг талаб ҳамда таклифлари ўрганилиб, туман прокуратурасининг амалий ёрдами билан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшлардан бири Баҳодир Бекниязовга "Ёшлар – келажагимиз" давлат дастури асосида қиймати 200 миллион сўмлик банк кредити олишга кўмак берилди. Натижада ёш тадбиркор аҳолига стоматология бўйича тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Шу туфайли маҳалладаги 7 нафар одам иш билан таъминлади.

Хўжайлида аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, узоқ йиллар уйида ишсиз ўтирган фуқароларни касб-ҳунарга ўргатиш, қайта ўқитиш, энг асосийси, уларнинг хоҳиш-истагидан келиб чиқиб, ўзини ўзи иш билан банд қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунга биргина мисол: "Жузимзар" маҳалласида яшовчи Ҳамра Раметовнинг оилавий шароити ўрганилиб, деҳқончиликка бўлган қизиқиши ҳисобга олинди ва унга сектор раҳбари томонидан субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди. Унинг турмуш ўртоғига эса уй шароитида ўзини ўзи иш билан банд қилиши учун 10 миллион сўмлик имтиёзли банк кредити ҳисобидан тикув машинаси олиб берилди. Шу йўл билан оилавий шароити яхшиланишига эришган бу хонадон энди "темир дафтар"даги рўйхатдан чиқарилди.

**— Менга сектор раҳбарининг тавсияномаси билан 15 фоизлик 30 миллион сўм миқдорида кредит олишда ёрдам кўрсатилди, — дейди Бекмуратов кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Юсуп Абдуллаев. — Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, бу пулга замонавий пластик ойналарни ишлаб чиқарувчи цех фаолиятини йўлга қўйдим.**

Анвар Юсупов ёғоч устаси. Уйида турли мебель жиҳозларини тайёрлаб тадбиркорлик билан шуғулланиш нияти бор бўлса-да, ускуналари йўқлиги боис ишни йўлга қўёлмаётган эди. Сектор раҳбарининг бевосита ёрдами билан банкдан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, мебель ишлаб чиқариш цехини очди. Энди бу ерда нафақат сифатли уй жиҳозлари тайёрланади, балки дурадгорликка қизиқувчи ёшларни ҳунарга ўргатиш имкони ҳам яратилди.

Саришунгул овул фуқаролар йиғини ҳудудида анча йиллардан бери ташландиқ аҳволда ётган 10 гектар майдонни ободонлаштириб, иссиқхона ташкил этиш истагини билдирган тадбиркор Жанибек Юлдашев бу ерни ололмай овораю сарсон бўлди. Шу боис мавжуд муаммо юзасидан 2-сектор раҳбарига мурожаат қилди. Қисқа вақт ичида бу ер тадбиркорга ажратилиб, ҳозир замонавий гидропоника усулидаги иссиқхона қурилиши жадал олиб борилмоқда. Иссиқхона иш бошлагач 100 нафарга яқин одам иш билан таъминланади.

Ҳудудлардаги кам таъминланган оилаларни иш билан банд қилиш ва камбағалликнинг олдини олиш бўйича амалий ишлар секторларнинг самарали фаолиятида кўзга ташланмоқда. Муҳими, фуқароларнинг ташаббуслари ва лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса уларнинг фаровон ҳаёт кечиришида катта омил ҳисобланади.

## Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

# НАМАНГАН ТАЖРИБАСИ ЯРАТИЛАДИ



**Собитхон ТУРҒУНОВ,
Наманган давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор**

**Абдулла Авлонийнинг «Тарбия – биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир» деб айтган сўзлари замирида ҳеч қачон эскирмайдиган ҳаётий ҳақиқат мужассам. Дарҳақиқат, келажак авлодни соғлом ва билимли этиб тарбиялаш миллатнинг эртанги куни билан боғлиқ муҳим масала. Бугун мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан таълим соҳаси тубдан янгиланмоқда.**

Соҳа мутасаддилари олдига янгича дунёқарашни шакллантириш, таълим жараёнларига инновацияларни жалб этиш, хориж амалиётини чуқур ўрганиш, педагог ходимларни қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, олий таълим тизими ва умумий ўрта таълим мактаблари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш каби долзарб вазифалар қўйилди. Бу Президентимизнинг видеоселектор йиғилишларида соҳа мутасаддиларига берган топшириқлари, қабул қилган фармон ва қарорларида ўз ифодасини топган. Жумладан, шу йил 6 ноябрда имзоланган "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонида олий таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Наманган давлат университетида бугунги кунда 600 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Улар тажрибасидан самарали фойдаланиш имконияти мавжуд. Талабалар сони эса 20 минг нафарга яқинлашаётгани университет нуфузининг тобора ортиб бораётганидан далолат. Уларга энг замонавий усулларда таълим беришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Фармонда қайд этилганидек, хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари тажрибасидан кенг фойдаланиш, хорижий тилларда ўқитиш амалиётига ўтиш, кредит-модуль тизимини янада ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. 5 та таълим йўналишида 9 та академик гуруҳ шакллантирилди. Жумладан, туризм ҳамда меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш каби йўналишлардаги гуруҳларда фанлар инглиз тилида олиб борилиб, уларнинг касбий кўникмалари оширилади.

Инчунун, фармонда барча олий таълим ташкилотларида ахборот-ресурс марказлари базасидаги дарслик, ўқув-услубий қўлланмаларни рақамли форматга ўтказиш вазифаси белгиланган. Ҳозирда университетнинг ахборот технологиялари маркази 245 минг 685 та турли адабиёт, ўқув қўлланмалар фондига эга. Айни пайтда бу ерда рақамли форматга ўтказиш ишлари бошланди ва ягона ахборот қидирув тизими яратилади. Унда талаба ва профессор-ўқитувчилар ўзларига керакли бўлган турли адабиётларга онлайн буюртма бериб, электрон платформадан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Фармондан келиб чиқиб, талабаларга назарий билим билан бир қаторда ўз мутахассисликлари бўйича амалий жараёнларда қатнашишнинг аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

2020-2021 ўқув йилининг 1 декабридан бошлаб университетда 5 кунлик ўқиш куни жорий этилади. Шанба куни "Амалиёт куни" деб белгиланади. Унга кўра, ҳар бир талаба ўз ҳудудидан келиб чиққан ҳолда мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш корхоналарига, таълим тизимининг бошқа бўғинларига жалб қилинади.

Бундан ташқари, таълим сифати, ўқитувчилар малакасини ошириш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси ва университет ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу орқали умумий ўрта таълим мактабларига чуқур кириб бориш механизми яратилди. Олий таълимга киришда қуйи кўрсатгичларга эга 206 та умумий ўрта таълим мактабларида университетнинг фан тўгараклари ташкил этилди. Бу тўгараклар фаолияти шундан иборатки, профессор-ўқитувчилар ҳафтанинг аниқ белгиланган кунида ўқувчиларга олий ва профессионал таълимга ўзгача ёндашув дастурлари асосида билим беради. Тўгараклар учун керакли бўлган замонавий моддий-техник жиҳозлар университет томонидан тўлиқ таъминланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ва даражаси тўгаракларда таълим олаётган ёшларнинг олий таълим тизимига кириш натижаси билан баҳоланади ҳамда олаётган маошларига 30 фоиз устама қўшиб берилади.

Шунингдек, мактабдаги магистратура йўналишини тамомлаган ёки 5 йиллик олий таълим мутахассислик дипломига эга бўлган малакали ўқитувчиларнинг университетга ўриндошлик асосида ишга жалб қилиниши мактаб ва университет ҳамкорлигини янада кучайтиради.



> **Наманган давлат университетида бугунги кунда 600 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Улар тажрибасидан самарали фойдаланиш имконияти мавжуд. Талабалар сони эса 20 минг нафарга яқинлашаётгани университет нуфузининг тобора ортиб бораётганидан далолат.**

Бундан ташқари университет тўгаракларида фаол иштирок этган, барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиган йигит-қизларга университет стипендиялари тайинланади. Мақсад — тўгаракларни номига йўлга қўйиш эмас, аксинча давлатимиз раҳбари айтганидек, ёшларга чуқур билим бериш ҳамда уларни катта ҳаётга тайёрлаш ва тарбиялашдан иборат.

Халқ таълими ходимларининг малака ошириш жараёни "Ҳаёт давомида ўқиш" тамойили асосида ташкил этилади, айни шу мақсадда вилоятдаги 159 та умумий ўрта таълим мактабида университетнинг методик марказлари шакллантирилиб, унинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ҳамда профессор-ўқитувчилар бириктирилди. Марказларнинг асосий вазифаси — мактаб ўқитувчиларининг билим ва малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш ва сертификат билан таъминлаш. Мазкур сертификат уларни ҳар 5 йилда оширилиши керак бўлган малакаси билан тенг ҳисобланади. Бунинг афзаллик томони шундаки, ўқитувчилар энди малака ошириш учун вилоят марказига келишмайди. Ўқитувчи ўз малакасини дарс жараёнларидан ажралмаган ҳолда ошириш имкониятига эга бўлади. Унда нафақат битта фан, балки педагогик-психологик методлар, Президент асарлари ва фармонлари, сиёсий билимлар чуқур ўргатилади.

Ҳозирда университетда ишчи гуруҳи фаолият юритмоқда. Гуруҳга масъуллар тайинланган бўлиб, улар туманларда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилади, чуқур ўрганади ва шу асосида ахборот базаси яратилади. Университетда олиб борилаётган жараёнларни холис ёритиш мақсадида вилоятимиздаги оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш тадбирлар режасига киритилган.

Университетимизда Президентимиз таълим соҳасида белгилаб берган топшириқ ва вазифаларни тўлиқ бажариш, келгуси авлоднинг таълим-тарбиясига муносиб ҳисса қўшиш, чуқур билим бериш борасида «Наманган тажрибаси» яратилади ва бу келажакда ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**Таълим**

# ЎҚИТУВЧИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИНИ ЮКСАЛТИРИШ

## янги Ўзбекистонда инсон ресурси ва капиталининг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга

**Ботиржон ҚОСИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети конституциявий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси**

**Глобаллашув шароитида гўё бутун дунё ягона меҳнат бозорига айланаётгандек тасаввур уйғотади. Айниқса демографик муаммоларга дуч келаётган давлатлар турли соҳалар, хусусан, таълим тизимини малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида грантлар эълон қилиш ёки зарур кадрларга катта маош таклиф этиш ҳисобига бошқа давлатлардан инсон ресурсларини жалб этмоқда.**

Аслида инсон ресурси ёхуд инсон капиталини шакллантириш ҳар қандай давлатда ислоҳотларнинг асосий омилларидан саналади. Чунки айнан инсон ресурсини шакллантириш орқали келажакда ислоҳотларга бош бўладиган, уларни амалга оширадиган, ижросини самарали таъминлай оладиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларини ривожлантиришга ҳисса қўшишга қодир кадрларни тайёрлаш мумкин.

Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволда қолган, қолаверса, қазилма бойликларга деярли эга бўлмаган Финляндия, Япония, Жанубий Корея сингари давлатлар асосий эътибор ва сармояни инсон ресурсини шакллантиришга йўналтирди. Бунинг натижасида мазкур давлатларда халқнинг билими ва заковати билан тараққиётга эришиш имкониятини берадиган ихтиро ва кашфиётлар қилинди. Мамлакат иқтисодиёти ривожланиб, ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳатто табиий бойликларга эга бўлган кўпгина давлатларнинг ялпи ички маҳсулотидан ошиб кетди. Ҳозир ярми олий маълумотга эга бўлган бу халқлар миллат сифатида қад ростлаш ва дунёнинг ривожланган давлатига айланишда фақат таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш, ўқитувчиларни жамиятдаги энг обрўли қатламга айлантириш орқали эришиш мумкин, деган тўғри хулосага келди.

Ўзбекистон келажаги учун ҳам энг муҳим ва қимматли сармоя келажак авлоднинг таълимига йўналтирилган сармоядир. Албатта, яхши кадр бир ёки икки йилда шаклланиб қолмайди Бир инсоннинг замон талабига жавоб берадиган кадр бўлиб етишиши учун камида йигирма йил керак бўлади. Бу ўзида мактабгача таълим тизимидан бошлаб то олий таълимгача бўлган мураккаб босқичларни қамраб олувчи давр бўлиб, унда билим олувчига ота-она ва давлат томонидан катта сармоя киритилади.

Ҳар бир босқични тўғри ва самарали олиб бориш, энг аввало, таълим соҳасини ислоҳ этишдан бошланади. Жорий йилнинг 30 сентябрь куни давлатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида айни шу жиҳатларга эътибор қаратар экан, Ўзбекистонда янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини таълим ислоҳотларини олиб бориш орқали яратиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Инсон ресурсини шакллантиришда ўқитувчиларнинг ўрни катта. Одам жамиятни, жамият эса давлатни ўзгартира олишга қодир бўлган бугунги даврда ўқитувчи-мураббийлар, олийгоҳ профессор-ўқитувчилари инсонларнинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи асосий куч ҳисобланади.

Аммо муаллимларнинг инсон ресурсини шакллантиришдаги ўрни жамиятнинг уларга нисбатан муносабат ва ҳурматига ҳам бевосита боғлиқ. Аччиқ бўлса-да, тан олишимиз керак, бундан бир неча йил аввал ўқитувчиларнинг пахта йиғим-терими, чопиқ ва ягана ишларига мажбурий жалб қилингани уларнинг жамиятдаги имижи, профессионал фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Мактаб таълимининг сифати тушиб кетишига олиб келди. Ўқитувчи ўз вазифасига кирмайдиган ишларга сарфлаган вақти ҳисобига ўқувчи мактабда 11 йил эмас, 7 йил таҳсил олгани ачинарли ҳол. Натижада кўплаб профессионал ва фидойи ўқитувчилар таълим соҳасини тарк этишга мажбур бўлди. Бироқ у кунлар тарихга айланди. Ўқитувчиларнинг чинакам обрўси, ҳурмати қайта тикланди. Шарафли касби қадр топди. Кейинги тўрт йилда устоз-муаллимларнинг маоши бир ярим баробар оширилиб, мактабларга 15 мингдан зиёд эркак ўқитувчи қайтди. Президентимиз ўз маърузасида ўқитувчиларнинг нуфузи ва мақомини янада ошириш, уларнинг профессионал фаолият билан шуғулланишларига кўпроқ шароит яратиб беришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни кўриш зарурлигига эътибор қаратди.

**Биринчидан,** ўқитувчи ва муаллимларнинг ҳаётимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида уларнинг мақоми қонун даражасида белгиланади. Ҳуқуқий ҳужжатда ўқитувчиларга таълим беришда ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш чоралари кафолатлаб қўйилади. Ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши, касбий фаолиятига ноқонуний аралашув, устозларни бошқа ишларга жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланади. Мактаб директори, унинг ўринбосари, синф раҳбари, ўқитувчининг мақоми тартибга солинади.

Шунингдек, ўқитувчиларни рағбатлантириш мезонлари ва уларга устамалар тўлашдаги ортиқча мураккаблик ва қоғозбозликлар эскирган қонуности ҳужжатларни бекор қилиш орқали тўлиқ қайта кўриб чиқилади.

**Иккинчидан,** олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларига ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, санаторий ва курортларда даволанишини ташкил этиш масалалари шахсан ҳокимлар назоратига олинади. Бундай тизим профессор-ўқитувчиларнинг бошқаларнинг "қўлига қараб қолмай", фаровон ва соғлом ҳаёт кечиришига замин яратади.

**Учинчидан,** мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизими қайта кўриб чиқилади. Бунда ўрнак кўрсатган ўқитувчилар учун мажбурий малака ошириш талаблари бекор қилиниб, уларнинг фаолиятини бевосита ўқувчилари олган билим даражаси билан баҳолаш тизими жорий этилади. Ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқитувчиларга олий малака тоифаси тўғридан-тўғри тақдим этилади. Бу шундоқ ҳам ҳар куни ўз устида ишлайдиган, билимларини бойитиб боришга эътибор берадиган малакали ўқитувчиларнинг ортиқча вақтлари исроф бўлмаслигига олиб келади. Ўқитувчиларнинг малакалиси малака ошириш марказлари томонидан бериладиган сертификат орқали эмас, балки ўқувчиларнинг эришган ютуқлари ва кўрсаткичлари билан белгиланади.

**Тўртинчидан,** эндиликда мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг янги тизими жорий этилади. Яъни ўқитувчилар бевосита малака ошириш марказларига бормасдан, масофадан туриб ўз касбий кўникмаларини доимий ривожлантириш имкониятига эга бўладилар.

**Бешинчидан,** ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ҳафтада бир кунини мактабга бағишлайди. Бу орқали ҳар бир ҳоким ёки унинг ўринбосарлари мактабларда таълимни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан мулоқот қилиш, мактаб директорлари, илғор синф раҳбарлари, фаол ўқитувчиларни яқиндан таниб олиш имкони пайдо бўлади.

Президентимиз илгари сурган мазкур ислоҳотлар ўқитувчиларнинг, аввало, жамиятдаги нуфузи ва мавқеини янада оширишга хизмат қилади. Қолаверса, уларнинг ўз касбига меҳри ва садоқатини мустаҳкамлаб, ишлаётган таълим даргоҳида профессионал фаолият билан шуғулланиши, жамият ардоғида бўлишига шароит яратади. Ўқитувчилар фаолиятига ҳуқуқий, моддий ва маънавий кафолатнинг берилиши инсон ресурсини шакллантиришда муҳим омил бўлиб, бу бевосита ўқувчиларга янги ва замонавий билимларни бериш, келажакда етук кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

**Хушхабар**

# ДОСТОНБЕК МДҲНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАЛАБАСИ БЎЛДИ



**Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшлар таълими ва тарбиясига эътибор кучайди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки янги Ўзбекистонни бугунги ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги давр ёшлардан ташаббускорликни, янгиликка интилишни, дунёда бўлаётган ўзгариш ва янгиликлардан хабардорликни талаб қилади.**

Барча соҳадаги юксалиш ва тараққиётга илмсиз, маърифатсиз эришиш мушкул. Шу боис мамлакатимизда таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинмоқда, илм-фан ривожига эътибор ва рағбат кучайди. Бу, албатта, ўз самарасини бермоқда. Буни ёшларимизнинг эришаётган ютуқлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодиёт факультети 3-босқич талабаси Достонбек Рустамов Қозоғистоннинг Нурсултон шаҳрида онлайн тарзда ўтказилган "МДҲнинг энг яхши талабаси-2020" халқаро танловида "Рақамли иқтисодиёт ва инновацияларни бошқариш" йўналиши бўйича иштирок этди. Ўзбекистонлик талабанинг илмий иши, қўлга киритган ютуқлари ҳакамлар ҳайъатини бефарқ қолдирмади. У якуний натижаларга кўра ғолиб деб топилди ва "МДҲнинг энг яхши талабаси-2020" ёзуви туширилган кўкрак нишони ва диплом билан тақдирланди.

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади — МДҲ давлатлари олий таълим муассасалари талабаларини қўллаб-қувватлаш, илм-фан, техника ривожланишига ҳисса қўшаётган ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

— Ушбу танловга икки йил тайёргарлик кўрдим, — дейди Достонбек Рустамов. — Пандемия сабабли беллашув онлайн тарзда ташкил этилди. Уч босқичда ўтказилган танловда 14 мамлакатдан 274 нафар иқтидорли талаба иштирок этди. Мен рақамли иқтисодиёт ва инновацияларни бошқариш йўналиши бўйича қатнашдим. Асосий рақибларим Украина ва қирғизистонлик тенгдошларим бўлди.

ZOOM орқали инглиз тилида ташкил этилган учрашув аввалида илмий ишлари ва эришган ютуқлари орқали саралаб олинган иштирокчилар иккинчи босқичга тавсия этилди. Унда мутахассислик ва мантиқ фанидан тест бўлиб ўтди.

Достонбек Рустамов бугунги кунда Блокчаин технологияларини жорий этишга доир катта лойиҳа устида иш олиб боряпти. Ягона глобал рақамли иқтисодиёт тизимига уланган ҳар қандай ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот ва қайта тақсимот шаффоф ҳолда кўринади. Ҳудудлар ва вазирликлардан олинган ҳисоботлар "Блокчаин" маълумотлари билан солиштирилганда, қайси тизим ва ҳудудда банкдан ташқари айланмалар борлиги аниқ кўрсатиб берилади. Достонбекнинг мазкур изланиши танлов ҳайъати аъзолари эътиборини қозонди.

— Жорий йилда "Инсон капиталини рақамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш йўналишлари" номли китобим чоп этилди, — дейди Достонбек Рустамов. — Китобда рақамли иқтисодиёт нима, унга қандай ўтилади, бу борадаги хориж тажрибаси, рақамли иқтисодиётнинг салбий ва ижобий томонлари каби масалалар ёритилган. Китоб инглиз ва ўзбек тилларида чоп этилди. Бугунги кунда у Amazon сайти орқали сотилмоқда. Унинг сотилаётганини кўриб, ич-ичимдан ҳам қувонаман, ҳам фахрланаман. Бу мени янада катта лойиҳалар устида ишлашга ундаяпти.



> **Навоий номидаги стипендия соҳиби Достонбек Рустамов кўплаб халқаро танлов ва лойиҳалар совриндори. У "Йил талабаси-2019" танловининг "YEFIT" номинацияси ғолиби бўлган бўлса, жорий йилда ана шу танловнинг "YO'MBBT" номинациясида олий ўринга муносиб кўрилди.**

Достонбек айни пайтда ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этаяпти. Масалан, у 2019-2020 ўқув йилида Иқтисодиёт факультети ҳузурида ташкил этилган "Students Co-working Centre" (Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар учун илгари сурилган беш ташаббус асосида талабалар билан фаолият юритиш) маркази раҳбари, факультет Ёшлар иттифоқи раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

**Қарор ва ижро**

# ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ ЖАМҒАРМАСИ

## мутахассисларни турли лавозимларга танлов асосида ишга қабул қилмоқда

Мамлакатимизда тубдан ислоҳ қилинаётган тиббиёт соҳасига ривожланган давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибалари жорий этилаяпти. Хусусан, илк бор босқичма- босқич жорий этилаётган давлат тиббий суғуртаси механизми бунга ёрқин мисол бўла олади.

Президентимиз шу йил 12 ноябрда "Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Унга мувофиқ Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ташкил этилди.

Айни пайтда мазкур Жамғарманинг **давлат тиббий суғуртаси методологияси, тиббиёт ташкилотлари билан ишлаш, тарифларни шакллантириш ва таҳлил қилиш, ахборот тизими ва ахборот ресурслари таъминоти, давлат тиббий суғуртаси тизими иштирокчилари реестрини юритиш, иқтисодий таҳлил ва молиялаштириш, тиббий хизматлар харидини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, ички аудит хизмати бўлимлари ва бошқа раҳбарлик лавозимларига** танлов асосида тиббиётни ташкил этиш, иқтисодиёт ва молия, техника ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида билим ва малакага эга бўлган олий маълумотли, ўзбек ва рус тилларини мукаммал биладиган ходимларни ишга таклиф қилмоқда.

Ишга қабул қилинган ходимларнинг лавозим маошлари Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгиланиши, инглиз тилини биладиган номзодларга афзаллик берилиши назарда тутилган.

Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни health.ins.fund@umail.uz электрон манзилига юборишлари ва саволлар юзасидан (71) 244-16-03 телефон рақами орқали жавоб олиши мумкин.

Тилимизнинг муқаддас ва азизлиги бизга оналаримизнинг аллалари, ширин сўзлари билан юрагимизга сингиб, қалбларимизга жо бўлган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 декабрь, 233-сон

## Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги

**Халқимиз тарихининг мураккаб дамларида маърифат машъалини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади. Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

# МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЙСИНИ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИДА КЎРГАН МУТАФАККИР

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида, яъни 1994 йил ўзбек ижодкорлари томонидан яратилган "Маҳмудхўжа Беҳбудий" ҳужжатли фильмининг намойиши йиғилганларга аллома ҳаёти ва ижоди ҳақида яқиндан танишиш имконини берди. Фильмда машҳур жадидшунос олим Бегали Қосимов томонидан билдирилган фикрлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Филология фанлари доктори Зайнобиддин Абдурашидов Маҳмудхўжа Беҳбудий мамлакат тараққиётини наинки мактаблар, балки театр, адабиёт ривожи, бир неча тиллардан, дунёда кечаётган воқеликлардан хабардорлик билан ҳам узвий боғлаганини қайд этди. Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори, филология фанлари доктори Зоҳиджон Исломов пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида қад ростлаган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳайкали мазкур билим даргоҳининг адабиётга ихлоси баланд ёшларининг севимли масканига айлангани билан бирга академияда Беҳбудий фаолияти ва ижодига доир илмий изланишлар ҳам олиб борилаётгани, алломанинг асарлари пухта ўрганилаётгани ҳақида гапирди.

Таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган энг эзгу ишларнинг бири сифатида бўй кўрсатган Адиблар хиёбони миллат фидойиларининг чексиз илму зиёси билан нурланди. Шунингдек, педагоглик мақомини ўша даврдаёқ ортиғи билан оқлаб, порлоқ келажак пойдеворини қўйган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудийларнинг ибратли ҳаёти ва ижод йўлларини чуқур ўрганиш миллионлаб ёшларда миннатдорлик кайфиятини уйғотади.

Юртимизда атоқли намояндалар номи билан боғлиқ ижод мактабларининг ташкил этилиши, адабиёт, илм-фан, маданият ва санъат аҳлига кўрсатилаётган эътибор замирида ҳам миллий тикланишдан миллий юксалиш сари интилишдек эзгу мақсадлар мужассам.




Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.



— Маҳмудхўжа Беҳбудий миллатни уйғотишга, унинг маърифатли бўлиши учун бор кучи, имконияти, умрини сарфлаган инсондир, — деди "Шарқ юлдузи" — "Звезда востока" журналларининг бош муҳаррири Сирожиддин Раупов. — Унинг фидойилик, ватанпарварлик, юртга садоқат каби фазилатлари бугун янгиланаётган Ўзбекистонда ёшлар учун ҳақиқий намунадир.

XX аср бошлари улуғ маърифатпарварларимизнинг миллат ва Ватан равнақига хизмат қилган назарий фикрларини ўрганиш, уларни ёшлар онгу шуурига етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Бу ўринда ўз даври ижтимоий-сиёсий ва маданий тафаккурининг шаклланишига беқиёс ҳисса қўшган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бебаҳо илмий меросини таҳлил этиш ғоятда муҳим. Унинг асарларида кўтарилган ҳар бир масала ва ечилиши лозим бўлган муаммолар бугунги кунда ҳам эътирофга лойиқ. Зеро, мутафаккирнинг қарашларида миллат маърифати ва миллат тараққиёти ғояси доимо устуворлик касб этди.

— Бугунги кунда улуғ аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолияти давлатимиз ва Президентимиз томонидан юқори баҳоланиб, у сафдошлари Мунавварқори ва Абдулла Авлоний билан бирга "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланганидаги қувончларимни сўз билан ифода қилиб бера олмайман, — деди "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири, сенатор Фармон Тошев. — Сабаби, 1913 йилда ҳазрат Беҳбудий томонидан ташкил этилган, молиялаштирилган ва чоп этилган газетада чорак асрки, фаолият кўрсатиб келяпман. Фаолиятимизни айнан шу инсон бошлаб берган анъаналар руҳида давом эттиришга ҳаракат қиляпмиз. Журналистикамизнинг ахлоқ кодексига ҳам, тамойилларига ҳам унинг ўгитлари асос қилиб олинган.

Бугун Беҳбудий сингари маърифатпарвар жадид боболаримиз муқаддас тутган юрт озод ва мустақил бўлди. Улар томонидан аждодларимиз амал қилиб келган асрий анъаналар, урф-одатлар, миллий маданий ва маънавий ўзлик бизгача безавол етиб келди. Албатта, биз жадид боболаримизга муносиб ворислар бўлиб, улар тутган эзгулик ва миллий юксалиш йўлидан адашмай боришимиз зарур.

**Нодир МАҲМУДОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**




## Халқаро анжуман

# МАҚОМШУНОСЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Нилуфар БОТИРОВА,**
**Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ходими**

Бугунги кунда мақом санъатига эътибор тобора ортиб бормоқда. Шашмақом ЮНЕСКОнинг инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани бунинг яққол далилидир. Шу боис, бу бебаҳо санъат ҳақидаги билим ва тушунчаларни янада кенгайтириш, тарихий ва миллий анъаналарни пухта эгаллаган ёш кадрларни тайёрлаш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илғор ютуқларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маданият вазирлиги, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон халқ ҳофизи, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби, профессор Маҳмуджон Тожибоевнинг сўнмас хотирасига бағишланган **"Янги насл мақомшуносларни тарбиялашда етук устозларнинг ўрни (Маҳмуджон Тожибоев ижодий фаолияти мисолида)"** деб номланган онлайн халқаро илмий-амалий конференцияда айнан шу масалаларга тўхталиб ўтилди.

Маҳмуджон Тожибоев мақом илми ва ижросини пухта эгаллаган, ғазал билимдони, ўз ортидан мақомчиларнинг бир неча авлодини эргаштира олган улуғ ҳофиз эди. Унинг ижодидан "Сарахбори Наво", "Сарахбори Дугоҳ", "Мўғулчаи Сегоҳ", "Наврўзи Сабо", "Нимчўпоний" каби шашмақом намуналари, Фарғона — Тошкент мақом йўлларидан "Чоргоҳ", "Ушшоқ", "Шаҳнози Гулёр", "Баёт", катта ашула жанрида "Ёвворий Чоргоҳ", "Ёлғиз", "Эй дилбари жононим", "Топмадим", "Асирий", "Чорзарб" ва "Бозургоний" сингари кўплаб асарлар ўрин олган. У ўз овози, услуби ва ижро йўлига эга санъаткор саналади.

Конференцияда маданият вазири Озодбек Назарбеков мақом санъатининг аҳамияти ва ўрни, унга ёшларни кенг жалб этиш, Маҳмуджон Тожибоев ижоди янги авлод мақомшунослари учун том маънода дастуруламал вазифасини ўташи ҳақида сўз юритди. Анжуманда, шунингдек, Ўзбекистон санъат арбоби, Токио университетининг Koizumi номидаги халқаро мукофоти соҳиби Отаназар Матёқубов, этномусиқашунос олим, профессор Теодор Левин (АҚШ), шашмақом устаси, Ўзбекистон халқ артисти Изро Малаков (АҚШ), устоз санъаткор, Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев (Тожикистон), Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистон халқ артисти, "BBC World Music Awards"нинг Осиё минтақаси бўйича вакили Муножот Йўлчиева, Ардаҳан университети профессори Эрдоған Алтинкайнак (Туркия), Теҳрон консерваторияси профессори Мерон Меҳрния (Эрон), Озарбайжон халқ консерваторияси бўлим мудири Мубариз Алиев сингари машҳур мақомшунос ва мутахассислар қатнашди, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Туркиянинг Ардаҳан университети гўзал санъатлар факультети турк миллий мусиқаси бўлими катта ўқитувчиси Юсуф Алтин ўзбек ва турк мақомларининг умумий ва фарқли жиҳатларини "Сегоҳ" мисолида кўрсатиб берди ва ундан парча ижро этди. Конференцияда мақомшунос-амалиётчиларнинг "Маҳмуд — уста ҳофиз", "Маҳмуджон Тожибоевни хотирлаб", "Мақомчилар тайёрлаш ва ўқитиш методикаси хусусида", "Туркий халқлар мақомлари хусусида", "Эронда мақом ва дастгоҳлар", "Шашмақомнинг Афғонистонда ижро этилиш тарихи", "Хоразм дутор мақомларининг олти ярим мақомдан фарқли томонлари" мавзуларидаги маърузалари қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.



Халқаро илмий-амалий конференцияда келгусида замонамизнинг Маҳмуджон Тожибоев каби улкан мақомшунослари хотирасини абадийлаштириш, улар меросидан ёш авлод вакилларини тарбиялашда унумли фойдаланиш, мақомшуносларнинг янги авлодини шакллантириш, бу борада халқаро алоқаларни тизимли йўлга қўйиш каби масалалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

## Миллий ғururимиз



# ТИЛ ВА СЎЗ ҚУДРАТИ

**Бугун халқимиз, зиёлиларимиз, айниқса, ёшларимизнинг кенг қамровли фалсафий мушоҳада, мунозараларга бой суҳбатларини эшитиб, инсон қалби қувончларга тўлади. Халқимиз орасида уйғоқлик... Бу уйғоқликнинг доимий давомийлиги шу миллатнинг ўз тарихини яхши билган, ўз халқини чин дилдан севган фарзандларига боғлиқ.**



**Фарҳод БОБОЖОНОВ,**
**"Маънавият тарғиботчиси" таълим муассасаси маърузачиси, журналист**

Миллатимиз маънавий даражасини янда юксалтириш, дунёқарашини шакллантириш, яхшиликлар сари рағбатлантириш, уларнинг тил ва нутқ маҳоратини ошириш эса маънавият тарғиботчиларига катта масъулият юклайди.

Тилимиз, миллатимиз улуғлиги, аждодларимизнинг дунёдаги тутган ўрни, мавқеи ҳақида қанча гапирсак ҳам тугамайди. Тилимизнинг муқаддас ва азизлиги бизга оналаримизнинг аллалари, ширин сўзлари билан юрагимизга сингиб, қалбларимизга жо бўлган. Зеро, она алласини, сўзларини тинглаган фарзанддан ёмонлик чиқмагай...

Давлат тили халқнинг маънавий қиёфаси, санъати, маданий мероси, тарихий ўзига хослиги, урф-одатлари каби қадриятларида акс этади. Ўтган замоннинг алғов-далғов талотўплари, қийинчиликлари қанчалик ўз таъсирини ўтказмасин, тилимиз ўз шаклу шамойилини тўла сақлаб қола билди. Тилимиз қадимдан эзгулик учун хизмат қилиб шаклланди ва янада сайқал топди. У халқимизга қиёси йўқ даражада маънавий озуқа берди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ортиқча эрк бермаслик хусусида қуйидагилар баён қилинади: "Тил ва ақл билимнинг таржимонидир. Балки кишини нуроний қилувчи восита, унинг очиқ ва мазмундор тилидир... Тил кишини иззатли қилади, киши тили билан бахтли бўлади. Тил арслондир, қара, у сени доим эшикда пойлаб ётади. Эй мағрур уй хўжаси, ҳушёр бўлки, агар тилингга ортиқча эркинлик берсанг, ўйламасдан сўзласанг, у бир кунмас, бир кун бошингни ейди...".

Бу насиҳатомуз сўзлар айтилганидан бери орадан қанча асрлар ўтди...

Яқинда қишлоқларнинг бирида бўлиб ўтган воқеани айтиб беришди. Бир ишбилармон даласида янги экилган кўчатлар парвариши учун қўшни қишлоқда яшовчи ота-болани ишга ёллайди. Улар келиб, оиласининг тирикчилиги учун тинмай меҳнат қилишади. Кўчатларни томчилатиб суғоришни йўлга қўйишади. Лекин кутилмаганда тошқин келиб, кўчат экилган майдоннинг бир қисмини озроқ сув босади. "Жаҳл чиқса, ақл кетади", деганларидек, ер эгаси суяксиз тилига эрк беради. Куракда турмайдиган сўзлар билан отаси тенги кишини ҳақоратлайди, устига-устак, ота-болани совуқ сув ичида туришга мажбурлайди. 17-18 ёшлардаги фарзанд бу ҳақоратларга чидай олмай, гердайиб турган "нусха"нинг ёқасига чанг солиб, куч билан турткилаганда, ёқаси ва енги юлиниб кетади. Ўпкаси тор, шошқалоқ "нусха" ўзининг калтакланганини иддао қилади, охир-оқибат ота-бола судда айбдор, деб топилади.

Ўйланиб қолади киши: авлодларимиздан мерос меҳр-оқибат, ҳурмат қаёққа кетди? Наҳот "эга бўлиш", "бойлик орттириш", "қўлга киритиш", "обрў олиш" маънавият, инсонийлик фазилатларидан баланд қўйилса? Наҳотки, ўша отаси тенги кишини турткилаб, судга берган бойваччада озгина бўлса ҳам атрофдагиларга нисбатан ҳурмат, одамийлик, имон-эътиқод бўлмаса?!

Халқимиз қадимдан ҳалоллик ва покизаликни ҳар нарсадан устун қўйган. Ўзи емай, нонини бошқалар билан баҳам кўрган, тўй қилиб, элу юртга ош берган. Қўли кўксида, тилида ҳам, дилида ҳам барчага ўз меҳрини улашган. Одамийликнинг энг улуғ фазилатларидан бири "Ассалому алайкум" сўзини кўчада кетаётган нотаниш, бир-бирларини таниса-танимаса фарқи йўқ, канда қилмаган.

Негадир ҳозир бу анъана, урф-одатлар сустлашгандай. "Ассалому алайкум"га, "Ассалому алайкум" дея жавоб қайтариш одатий ҳолга айланди. "Ваалайкум ассалом" деган жавоб йўқолиб бораётгандай, назаримда...

Чет эллик ишбилармонлар, олимлар, сайёҳларнинг жаннатмонанд ўлкамизга, миллатимизнинг ўзига хос жиҳатларига, урф-одатларимизга, меҳмондорчилигу ҳунармандчилигимизга, тилимизга қизиқишлари жуда ҳам катта. Япониялик Эмми Камаҳари исмли қиз соф ўзбек тилида гапириб, ҳатто ўзбек шоирларининг шеърларини ҳам айтиб беради. Япон қизи Бухоронинг Шофиркон туманида сўзана-каштачилик бўйича йирик илмий изланишлар олиб борди. Узоқ йиллар мобайнида бир оила фарзандларидай меҳмондўст ҳунармандлар оиласида истиқомат қилди. "Фамилиям Камаҳари. Ёзганларингизда, гапирганларингизда ҳам Камахари эмас, Камаҳари, деб айтинг". Қаранг, ўзбекчада "х" билан "ҳ"ни фарқлай билади.

— Руҳан Ўзбекистонданман, — дейди Туркиянинг Отатурк университети ўқитувчиси, доктор Ҳусайн Байдемир. — Мен Ўзбекистонга тўрт марта келиб, бир неча ой мобайнида ўзбек тилини ўрганиб, илмий изланишлар олиб борганман. Биз яқин икки йилдан бери "Катта ўзбек луғати" устида иш олиб бормоқдамиз. Ҳамкорим, ҳамкасбим Нурсанхоним Илдирим билан ишимизнинг 70 фоизини тугалладик. 28 минг сўзга 75 мингга яқин изоҳ ёздик. Шу ишлар билан 24 йилдан бери шуғулланаман. Охирги 700 йил ичида эски туркийчанинг иккита катта шоҳи бўлган: бири Ғарбда туркча, иккинчиси Шарқда ўзбекчадир. Мумтоз адабиёти бўлган тиллар буюк тиллардир. Ўзбек тили — Алишер Навоий тили. Менимча, бундан бошқа сўзга ҳожат йўқ. Ўзбек қардошларимиз она тиллари билан ҳар қанча ғурурлансалар арзийди. Ҳар бир миллат учун она тили ватан ва байроқ каби азиз ва муқаддасдир.

Она тилимиз ҳар жиҳатдан қудратли, бой ва ўрганишга арзигуликдир. Бугунги кунга келиб дунё халқлари орасида ўзбек тилига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбек тилида бутун дунё бўйича 50 миллионга яқин одам сўзлашади. Ҳозир тилимиз АҚШнинг 14 та, Туркиянинг 19 та, Жанубий Кореянинг 3 та, Ҳиндистоннинг 2 та нуфузли ўқув юртида хорижий тил сифатида ўрганилаётгани фикримизнинг тасдиғидир.

Японияда таълим олиб қайтган бир танишим юртимизга келиб ўзбек тилини ўрганаётган японлар қаторида мени ҳам "Ўзбек миллий таомлари" емакхонасига таклиф қилди. Таомхонада меҳмонлар ошни иштаҳа билан тановул қилишар экан, рўпарамизда ўтирган хўрандаларга эътибор қаратдилар. Ҳар иккаласининг ўнг қўли таомда, чап қўлида мобил телефон:

— Есть қиламиз, братан... айтдим-ку, проблема йўқ.

— Обед қилгани ҳам қўймайсан-а, оғайни... вообшем эзвординг.

Овқатланиб бўлгач, японлар ўзбек тилида савол беришди:

— "Есть қиламиз, братан", дегани нима у? "Проблема", "обед", "вообшем" сўзлари-чи?

— Тилимизни анча ўзлаштирибсизлар, — дедим.

20-аср бошларига келиб жадидчи боболаримиз ўз миллати учун қайғуриб "Тилим", "Элим", "Эрк!", "Озодлик!" дея жонларини фидо қилдилар.

***"Ҳасратим кўп, элга айта олмайман, Армоним кўп, дилда сақлай олмайман", дейди ҳасратларга тўлиб Абдулҳамид Чўлпон.***

Маърифатпарвар улуғларимиз НКВДнинг жирканч алафларидан, ертўланинг моғорлаган, бадбўй, совуқ ҳавосидан нафас ололмай, на қуёш ва на ойнинг нури тушмайдиган зах ерда ётиб, ўлимини кутишган. Қоронғуликда вақтни билмай, кечаю кундузни фарқ қила олмай азобланишган. Қийноқлардан безиб, тезда ўлиб кетишни афзал кўришган. Ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий ёвузлик, бешафқатлик, ҳақоратларга чидай олмай, ертўлада ўлимига чора излаган.

Абдурауф Фитратга қилинган золимлик, азоб туфайли у ўтириб-туришга, ҳаракатланишга, сўзлашга мажоли бўлмаган. Муттасил "Сен миллатингни нега сотдинг, шерикларинг ким?", "Истанбулда ўқигансан, сен туркларнинг жосусисан. Большевик-коммунистларга содиқлигингни қандай исбот қиласан?!" каби саволлар билан руҳан азоб беришган.

Буларнинг бари биз фарзандлар учун ўлмас, ўчмас хотира ва сабоқ. Бу фожиали воқеалар такрорланмаслиги учун онгимиз, тафаккуримиз ҳозирги эркин замонга мослашиб, тарихий сабоқлардан хулоса ясаб, ўрнак олиб, тилимизни асрлар оша бус-бутун асрашга ҳаммамиз масъулмиз.

Теран онгимиз, миллатимиз жипслиги, миллий қадриятларимиз бизни нурли йўллар сари чорлайди. Бутун дунё халқлари олдида қадримиз баланд, ҳурматимиз ошиб бормоқда. Ўзбекларнинг дунёда тенгсиз бўлган урф-одатлари, маданий-маънавий қадриятлари, тилига, фольклорига, мумтоз ашулалару рақсларига қизиқиш кун сайин юксалиб, обрўйига обрў қўшилмоқда.

Она юртга муҳаббат туйғуси билан яшаш, киндик қони томган ер қадрини улуғ тутиш, ватанпарварлик, халқпарварлик бизга боболаримиздан ўтган. Виждони, ғурури, ор-номуси бор ҳар бир инсон қалбига "Ватан" деган муҳр босилган. Илло... биз ундан айро кетолмаймиз. Шу муқаддас замин бизга Ота макон, Она юрт.

Шу Ватан биз учун муқаддас бешик. Бу дунёга йиғлаб-йиғлаб келгандаги овутган бешик. Тил ва сўз қудратига ҳеч нарса бас кела олмайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 3314.
41787 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:45 Топширилди — 00:30